

Айланмадан олинадиган солиқ ҳисоб-китобини тўлдириш бўйича ЙЎРИҚНОМА

I. Ҳисобот таркиби

Ушбу солиқ ҳисоботи шакли **Ҳисоб-китоб** ва 6 иловадан иборат:

1-илова: Жами даромадлар;

2-илова: Солиқ солинадиган жами даромаднинг камайтирилиши;

3-илова: Солиқ ставкасига тузатиш киритиш бўйича ҳисоб-китоб маълумотномаси;

4-илова: Солиқ солишда ҳисобга олинмайдиган даромадлар;

II. Айланмадан олинадиган солиқ Ҳисоб-китоби

1. Ҳисоб-китоб солиқ тўловчилар томонидан йил бошидан **ўсиб борувчи якун билан сўмда** тўлдирилади.

2. Айланмадан олинадиган солиқ ҳисоб-китобининг **4 – 9-устунларда** фаолият турлари солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда шакллантирилади.

Эслатма: Чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги мустақил юридик шахс бўлмаган турли аҳоли пунктларида жойлашган бир қанча нуқталарга эга солиқ тўловчилар улар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифаларини танлаши лозим.

3. “Товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад” 010-сатрига фаолият турлари бўйича Солиқ кодексининг 463-моддасига биноан солиқ солиш объекти сифатида қараладиган даромадлар миқдори кўрсатилади.

Бунда, ҳисоб-китобнинг 1-иловасини 020 ва 030-сатрлар йиғиндисидан келиб чиқиб, маълумотлар фаолият турлари танланган устунда кўрсатилиши лозим, акс ҳолда ҳисоботни жўнатиш чекланади.

Айланмадан олинадиган солиқ ҳисоб-китоби

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Жами | Умумий оватланиш (аҳоли сони 10С) | |
|--|-----------|--------------|-----------------------------------|--------------|
| | | | 4 | 5 |
| Товарлар (хизматлар)ни реализация қилишдан олинган даромад (Ҳисоб-китобнинг 1-иловаси 020-сатр + 030-сатр) | 010 | 6,000,000.00 | | 6,000,000.00 |
| Фаолият турлари бўйича даромаднинг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан жами даромадларидаги салмоғи, фоизда | 011 | 100.00 | 0.00 | 100.00 |
| Бошқа даромадлар (Ҳисоб-китобнинг 1-иловаси 040-сатри - 0403-сатри + 04031-сатри) | 020 | 1,020,000.00 | 0.00 | 1,020,000.00 |
| Солиқ солинадиган жами даромад (010-сатр + 020-сатр) | 030 | Ошиба | 0.00 | 0.00 |
| Солиқ солинадиган жами даромаднинг камайтирилиши (ҳисоб-китобнинг 2-иловаси 010-сатри) | 040 | 0.00 | | |
| Солиқ солинадиган база – жами (030-сатр - 040-сатр) | 050 | NaN | 0.00 | 0.00 |

Айланмадан олинадиган солиқ ҳисоб-китоби

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Жами | Умумий оватланиш (аҳоли сони 10С) | |
|--|-----------|--------------|-----------------------------------|------|
| | | | 4 | 5 |
| Товарлар (хизматлар)ни реализация қилишдан олинган даромад (Ҳисоб-китобнинг 1-иловаси 020-сатр + 030-сатр) | 010 | 6,000,000.00 | 6,000,000.00 | |
| Фаолият турлари бўйича даромаднинг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан жами даромадларидаги салмоғи, фоизда | 011 | 100.00 | 100.00 | 0.00 |
| Бошқа даромадлар (Ҳисоб-китобнинг 1-иловаси 040-сатри - 0403-сатри + 04031-сатри) | 020 | 1,020,000.00 | 1,020,000.00 | 0.00 |
| Солиқ солинадиган жами даромад (010-сатр + 020-сатр) | 030 | 7,020,000.00 | 7,020,000.00 | 0.00 |
| Солиқ солинадиган жами даромаднинг камайтирилиши (ҳисоб-китобнинг 2-иловаси 010-сатри) | 040 | 0.00 | | |
| Солиқ солинадиган база – жами (030-сатр - 040-сатр) | 050 | 7,020,000.00 | 7,020,000.00 | 0.00 |

4. Ҳисоб-китобнинг 011-сатри фаолият турлари бўйича тушумнинг товарлар (хизматлар)ни реализация қилишдан жами тушумдаги салмоғидан келиб чиқиб, автоматик тарзда ҳисоблаб чиқарилади.

5. Ҳисоб-китоб шаклининг 020-сатри “Бошқа даромадлар” ҳисоб-китобнинг 1-иловасининг 040-сатри маълумотлари асосида асосий фаолият турида автоматик тарзда шаклланади.

Айланмадан олинadиган солиқ ҳисоб-китоби

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Жами | Кўрилуши | |
|--|-----------|--------------|--------------|--------------|
| | | | 4 | 5 |
| Товарлар (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад (Ҳисоб-китобнинг 1-иловаси 020-сатр + 030-сатр) | 010 | 6,000,000.00 | 5,000,000.00 | 1,000,000.00 |
| Фаолият турлари бўйича даромаднинг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан жами даромадларидаги салмоғи, фоизда | 011 | 100.00 | 83.33 | 16.67 |
| Бошқа даромадлар (Ҳисоб-китобнинг 1-иловаси 040-сатри - 0403-сатри + 04031-сатри) | 020 | 20,000.00 | 20,000.00 | 0.00 |
| Солиқ солинадиган жами даромад (010-сатр + 020-сатр) | 030 | 6,020,000.00 | 5,020,000.00 | 1,000,000.00 |

Жами даромадлар

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Сумма |
|---|-----------|--------------|
| Жами даромадлар - жами (020-сатр + 030-сатр + 040-сатр + 050-сатр), шу жумладан: | 010 | 8368662.1 |
| Товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад – жами (0201 - 0204-сатрлар йиғиндиси) | 020 | 5,050,000.00 |
| Товарларни (хизматларни) реализация қилишдан соф тушум | 0201 | 5,000,000.00 |
| Воситачилик ва топшириқ шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган солиқ тўловчилар учун — кўрсатилган хизматлар учун ҳақ суммаси | 0202 | 25,000.00 |
| Товарларни (хизматларни) текинга беришдан кўрилган зарарлар | 0203 | 25,000.00 |
| Реализация сифатида қараладиган даромадлар – жами (0201-0206-сатрлар йиғиндиси), шу жумладан: | 030 | 950,000.00 |
| иштирокчилар таркибидан чиқиш ёки устав фондидаги ҳиссасини камайтириш ёхуд иштирокчининг улушини қайтариб сотиб олиш ҳисобига берилган товарлар (хизматлар) қиймати | 0301 | 950,000.00 |
| юридик шахс тугатилганда ҳамда эмитент томонидан акциядордан ушбу эмитент чиқарган акциялар қайтариб сотиб олинганда акциядорга берилган товарлар (хизматлар) қиймати | 0302 | |
| товарларни (хизматларни) жисмоний шахс меҳнатига ҳақ тўлаш ҳисобидан ёки дивиденд тўлаш ҳисобидан бериш | 0303 | |
| қайта ишлаб бериш учун берилган товарларни ёки бошқа мол-мулклар қиймати | 0304 | |
| реализация қилинган ёки бепул берилган (товарларни (хизматларни) олиш ҳуқуқини тақдим этувчи) ваучерлар қиймати | 0305 | |
| узоқ муддатли шартномалар бўйича даромадлар | 0306 | |
| Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 297-моддаси учинчи қисмининг 4, 5, 6, 10, 11, 12, 13, 14, 17, 18, 21, 22, 23, 25 ва 27-бандларида кўрсатилган даромадлар – жами (0401, 0402, 0403, 0404, ... 0420-сатрлар йиғиндиси), шу жумладан: | 040 | 20,000.00 |

6. Айланмадан олинadиган солиқ ҳисоб-китобининг “Солиқ солинадиган жами даромад” номли 030-сатри автоматик тарзда ҳисоб-китобнинг 010 ва 020-сатрлари йиғиндисидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилади.

Айланмадан олинadиган солиқ ҳисоб-китоби

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Жами | Кўрилуши | |
|--|-----------|--------------|--------------|--------------|
| | | | 4 | 5 |
| Товарлар (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад (Ҳисоб-китобнинг 1-иловаси 020-сатр + 030-сатр) | 010 | 6,000,000.00 | 5,000,000.00 | 1,000,000.00 |
| Фаолият турлари бўйича даромаднинг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан жами даромадларидаги салмоғи, фоизда | 011 | 100.00 | 83.33 | 16.67 |
| Бошқа даромадлар (Ҳисоб-китобнинг 1-иловаси 040-сатри - 0403-сатри + 04031-сатри) | 020 | 20,000.00 | 20,000.00 | 0.00 |
| Солиқ солинадиган жами даромад (010-сатр + 020-сатр) | 030 | 6,020,000.00 | 5,020,000.00 | 1,000,000.00 |

7. Ҳисоб-китобнинг “Солиқ солинадиган жами даромаднинг камайтирилиши” номли 040-сатри ҳисоб-китоб шаклига 2-илованинг 010-сатридаги суммага тенг миқдорда фаолият турларидан келиб чиқиб шакллантирилади. Акс ҳолда ҳисоботни жунатишда хатолик юз берган ҳолда, жунатиш чекланади.

Солиқ солинадиган жами даромаднинг камайтирилиши

| Солиқ солинадиган жами даромадни камайтирадиган даромадлар ва харажатлар рўйхати | Сатр коди | Сумма |
|---|-----------|------------|
| Солиқ солинадиган жами даромаднинг камайтирилиши - жами (020-сатр + 030-сатр) | 010 | 100,000.00 |
| Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солинадиган ялпи тушумнинг камайтирилиши - жами (0201 - 0209-сатрлар йиғиндиси), шу жумладан: | 020 | 100,000.00 |
| солиқ агентда солиқ солиниши лозим бўлган дивидендлар | 0201 | 100,000.00 |
| қайтариладиган кўп марта айланadиган тара қиймати | 0202 | |

Айланмадан олинadиган солиқ ҳисоб-китоби

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Жами | Кўрилуши | |
|--|-----------|--------------|--------------|--------------|
| | | | 4 | 5 |
| Товарлар (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад (Ҳисоб-китобнинг 1-иловаси 020-сатр + 030-сатр) | 010 | 6,000,000.00 | 5,000,000.00 | 1,000,000.00 |
| Фаолият турлари бўйича даромаднинг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан жами даромадларидаги салмоғи, фоизда | 011 | 100.00 | 83.33 | 16.67 |
| Бошқа даромадлар (Ҳисоб-китобнинг 1-иловаси 040-сатри - 0403-сатри + 04031-сатри) | 020 | 20,000.00 | 20,000.00 | 0.00 |
| Солиқ солинадиган жами даромад (010-сатр + 020-сатр) | 030 | 6,020,000.00 | 5,020,000.00 | 1,000,000.00 |
| Солиқ солинадиган жами даромаднинг камайтирилиши (ҳисоб-китобнинг 2-иловаси 010-сатри) | 040 | Ошибка | | 1,000,000.00 |

8. Ҳисоб-китобининг “Солиқ солинадиган база” номли 050-сатри маълумотлари автоматик тарзда 030-сатри суммасидан 040-сатрида келтирилган суммаларнинг айирмаси орқали ҳисоблаб чиқарилади.

9. Ҳисоб-китобнинг 060-сатрига фаолият турлари бўйича белгиланган тегишли солиқ ставкалари автоматик шаклланади.



Айланмадан олинадиган солиқ ставкалари Солиқ кодексининг 467-моддасида келтирилган.

10. Ҳисоб-китобнинг “Тузатиш киритилган солиқ ставкаси” номли 0601-сатрида тузатиш киритилган ставкалар ҳисоб-китобнинг 3-илоvasи “Солиқ ставкасига тузатиш киритиш бўйича ҳисоб-китоб маълумотномаси” 040, 050 ва 120-сатрлари маълумотларидан келиб чиқиб белгиланади.

11. Ҳисоб-китобнинг 070-сатрида ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкаларидан келиб чиқиб автоматик тарзда айланмадан олинадиган солиқ суммаси аниқланади.

12. Ҳисоб-китобнинг 0701-сатрида 2021 йил 1 январга қадар давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга қўйилган онлайн-НКМнинг ҳар бирини харид қилиш, ўрнатиш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар суммаси *(лекин ҳар бир НКМ учун 2 230 000 сўмдан ошмаган миқдорда)* кўрсатилади.

13. Ҳисоб-китобнинг “Ҳисобда турган жойи бўйича” номли 080-сатри ҳисоблаб чиқарилган айланмадан олинадиган солиқ суммасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5813-сон фармонида биноан камайтириладиган солиқ суммасини чегириш орқали автоматик тарзда шаклланади.

III. Жами даромадлар

(1-илова)

14. Ҳисоб-китобнинг “Жами даромадлар” номли 1-илоvasи тўртга бўлинади:

Жумладан:

- 010-сатрида ҳисобот даврида амалга оширилган фаолият турлари бўйича электрон ҳисобварақ-фактуралар (ЭҲФ), божхона юк декларациялари ҳамда онлайн-НКМ маълумотларига асосан автомат шаклланади.

Бунда, жами даромад суммасини йиғишда харажатларни қоплаш (газ, электр энергия ва бошқалар) бўйича ҳамда қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтган даврда ёзилган ЭҲФлар, божхона декларациялари, онлайн-НКМ маълумотлари ҳисобга олинмайди;

Эслатма! Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарор 18-бандига асосан воситачилик ва топшириқ шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишига оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган солиқ тўловчилар томонидан белгиланган шаклдаги ЭҲФларни тўлдирилиши лозим.

Акс ҳолда мазкур фаолият бўйича олинган жами даромад солиқ солинадиган база сифатида ҳисоб-китобнинг 010-сатри 3-устинида автомат шаклланди.

2-илоvанинг 020- сатрига 0201, 0202, 0203-сатрлардаги суммалари автомат йиғилиади.

Ҳисоботнинг 2-илоvasининг 0201-сатри, шу илованинг 010-сатрдан 0202, 0203, 030, 040- сатрларни айиришдан автомат шаклланади;

Бунда, 0202-сатрда воситачилик ва топшириқ шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган солиқ тўловчилар учун ҳақ суммаси кўрсатилади;

0203-сатрда товарларни (хизматларни) текинга беришдан кўрилган зарарлар қўлда киритилади;

15. 030-сатрда Реализация сифатида қараладиган даромадлар 0301, 0302, 0303, 0304, 0305, 0306-сатрларга қўлда киритилган, Солиқ кодексининг 463-модда 3-қисмида кўрсатилган даромадлар йиғиндисидан ҳосил бўлади.

16. 040-сатр 0401, 0402, 0403, 0404, ... 0420-сатрларга қўлда киритилган, Солиқ кодексининг 297-моддаси учинчи қисмининг 4, 5, 6, 10, 11, 12, 13, 14, 17, 18, 21, 22, 23, 25 ва 27-бандларидаги даромадлар йиғиндисидан ҳосил бўлади.

Шунингдек, фаолият турига боғлиқ бўлмаган 0404, 0410, 0411, 0412, 0414-0420-сатрларда кўрсатилган бошқа даромад суммалари солиқ солинадиган жами даромадга (1-илова 010-сатр) қўшилиши учун қўлда тўлдирилади.

Жами даромадлар

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Сумма |
|---|-----------|---------------|
| Жами даромадлар - жами (020-сатр + 030-сатр + 040-сатр + 050-сатр), шу жумладан: | 010 | 18,371,162.10 |
| Товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад – жами (0201 - 0204-сатрлар йиғиндисидан) | 020 | 6,871,162.10 |
| Товарларни (хизматларни) реализация қилишдан соф тушум | 0201 | 5,371,162.10 |
| Воситачилик ва топшириқ шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган солиқ тўловчилар учун — кўрсатилган хизматлар учун ҳақ суммаси | 0202 | |
| Товарларни (хизматларни) текинга беришдан кўрилган зарарлар | 0203 | 1,500,000.00 |
| Реализация сифатида қараладиган даромадлар – жами (0301-0306-сатрлар йиғиндисидан), шу жумладан: | 030 | 1,500,000.00 |
| иштирокчилар таркибидан чиқиш ёки устав фондидаги ҳиссасини камайтириш ёхуд штирокчининг улушини қайтариб сотиб олиш ҳисобига берилган товарлар (хизматлар) қиймати | 0301 | 1,500,000.00 |
| юридик шахс тугатилганда ҳамда эмитент томонидан акциядордан ушбу эмитент чиқарган акциялар қайтариб сотиб олинганда акциядорга берилган товарлар (хизматлар) қиймати | 0302 | |
| товарларни (хизматларни) жисмоний шахс меҳнатига ҳақ тўлаш ҳисобидан ёки дивиденд тўлаш ҳисобидан бериш | 0303 | |
| қайта ишлаб бериш учун берилган товарларни ёки бошқа мол-мулклар қиймати | 0304 | |
| реализация қилинган ёки бепул берилган (товарларни (хизматларни) олиш ҳуқуқини тақдим этувчи) ваучерлар қиймати | 0305 | |
| узоқ муддатли шартномалар бўйича даромадлар | 0306 | |
| Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 297-моддаси учинчи қисмининг 4, 5, 6, 10, 11, 12, 13, 14, 17, 18, 21, 22, 23, 25 ва 27-бандларида кўрсатилган даромадлар – жами (0401, 0402, 0403, 0404, ... 0420-сатрлар йиғиндисидан), шу жумладан: | 040 | 10,000,000.00 |
| РЕПО операциялари бўйича даромадлар | 0401 | |
| қимматли қоғозлар ва (ёки) муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича олинган даромадлар* | 0402 | |
| реализация қилинган асосий воситалар ва бошқа мол-мулклар қиймати | 0403 | |
| асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинган даромадлар | 04031 | |
| текинга олинган мол-мулк (олинган хизматлар) | 0404 | |
| инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захираларнинг ва бошқа мол-мулкнинг қиймати тарзидаги даромадлар | 0405 | |
| қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар | 0406 | |
| талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромадлар | 0407 | |
| илгари чегириб ташланган харажатлар ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзидаги даромадлар | 0408 | |
| шартнома мажбуриятларини бузганлик учун тўланиши лозим бўлган жарималар, пенялар ва бошқа санкциялар, шунингдек зарарларнинг (зиённинг) ўрнини қоплаш суммалари | 0409 | |
| валюта ҳисобварақлари бўйича ижобий курс фарқининг салбий курс фарқидан ошиши | 0410 | 10,000,000.00 |
| қайта тикланган харажатлар суммалари | 0411 | |
| акциядор, иштирокчи юридик шахс фойдасига ўз улушининг (улуши бир қисмининг) қийматини олишдан воз кечиш натижасида устав фонди (устав капитали) камайиши муносабати билан олган даромадлар | 0412 | |
| корхонани мол-мулк мажмуи сифатида сотишдан олинган даромадлар | 0413 | |
| Солиқ кодексининг VII бўлимида белгиланган ҳолларда ва тартибда назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойда тарзидаги даромади | 0414 | |
| дивидендлар тарзида олинган даромадлар | 0415 | |
| фоизлар тарзида олинган даромадлар | 0416 | |
| | 0417 | |
| | 0418 | |
| | 0419 | |
| | 0420 | |

IV. Солиқ солинадиган жами даромаднинг камайтирилиши **(2-илова)**

17. Ҳисоб-китобининг “Солиқ солинадиган жами даромаднинг камайтирилиши” номли 2-иловаси икки бўлимдан иборат.

Биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 464-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган жами даромаднинг камайтирилиши мумкин бўлган даромадлар акс эттирилади.

Иккинчи бўлимда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан солиқ солинадиган базани аниқлашда чегириб ташланадиган даромадлар суммаси акс эттирилади.

18. Солиқ солинадиган ялпи тушумнинг камайтирилиши лозим бўлган жами даромадлар суммаси мазкур илованинг 010-сатрида жамланади.

19. Мазкур илованинг 0204-сатрида товарларни (хизматларни) экспорт қилишдан олинган даромадлар умумий даромаднинг 15 фоизидан кўпроғини ташкил этадиган солиқ тўловчилар томонидан тўлдирилади. Акс ҳолда ушбу сатрда курсатилган товар айланма ялпи тушумни камайтиришда 010-сатрга жамланмайди;

20. Бундан ташқари, ҳисобот шаклининг 2-иловасининг 0205-сатрни брокерлик ташкилотларидан ташқари солиқ тўловчилар томонидан, 0206-сатрни воситачилик фаолияти ҳамда импорти мавжуд бўлмаган солиқ тўловчилар томонидан тўлдирилганда ҳисоботни юбориш **чеклаш бўйича мантиқий чекловлар ўрнатилган.**

V. Солиқ ставкасига тузатиш киритиш бўйича **ҳисоб-китоб маълумотномаси** **(3-илова)**

21. Ҳисоб-китобининг “Солиқ ставкасига тузатиш киритиш бўйича ҳисоб-китоб маълумотномаси” номли 3-иловада учта йўналиш бўйича солиқ ставкасига тузатиш киритилади.

- 020-сатрни миллий реестрга киритилган электрон тижорат субъектлари томонидан тўлдирилади. Миллий реестрга киритилмаган солиқ тўловчилар томонидан тўлдирилганда мазкур ҳисоботни жунатиш чекланади.

ЭСЛАТМА!! Бунда миллий реестрга киритилган электрон тижорат субъектлари электрон тижорат орқали реализация қилинган товарлар (хизматлар)нинг ҳажми жами товарлар (хизматлар) реализацияси ҳажмида 80 фоиздан кўпроқни ташкил этганда 2 фоизли ставкадан фойдаланиши мумкин бўлади.

- 050, 0501 – 0505-сатрларни ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи оилавий корхоналар томонидан тўлдирилади.

- 070 – 120-сатрларни ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон Чернобилчилари" ассоциацияси бўлган солиқ тўловчилар томонидан тўлдирилади.

VI. Солиқ солишда ҳисобга олинмайдиган даромадлар **(4-илова)**

22. Ҳисоб-китобининг 4-иловасида Солиқ кодексининг 304-моддасига биноан солиқ солишда ҳисобга олинмайдиган даромадлар кўрсатилади ва жами суммаси илованинг 010-сатрида жамланади.